УДК: 578.834.1/615.03

COVID 19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАР МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОСИ ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Мавлянов И.Р.[1] , Нурбаев Ф.Э.[2] , Олимов А.Р[1]., Мавлянов З.И[3]., Омонов О.Ю[2].
[1] Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази. Тошкент, Ўзбекистон.
[2] Бухоро тиббиёт институти, Ўзбекистон.
[3] Альфараганус Университети, Тошкент, Ўзбекистон.

ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МЕДИКАМЕНТОЗНОГО ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ С ИНФЕКЦИЕЙ COVID 19

Мавлянов И.Р.[1], Нурбаев Ф.Э.[2], Олимов А.Р[1]., Мавлянов З.И[3]., Омонов О.Ю[2].
[1] Центр повышения квалификации медицинских работников. Ташкент, Узбекистан.
[2] Бухарский медицинский институт, Узбекистан.
[3] Университет Альфараганус, Ташкент, Узбекистан.

PHARMACOEPIDEMIOLOGICAL ANALYSIS OF DRUG TREATMENT OF PATIENTS WITH COVID 19 INFECTION

Mavlyanov I.R.[1], Nurbaev F.E.[2], Olimov A.R[1]., Mavlyanov Z.I [3]., Omonov O.Yu[2].
[1] Center for Advanced Medical Workers. Tashkent, Uzbekistan.
[2] Bukhara Medical Institute, Uzbekistan.
[3] Alfaraganus University, Tashkent, Uzbekistan.

Резюме. *Мақолада COVID 19 инфекциясига чалинган ва стационар шароитда даволанган беморлар медикаментоз давосида қўлланган дори воситаларининг гуруҳлари ва қўлланиш частотаси ўрганилган. Дори воситаларининг частотали анализи бемор жинси, касаллик кечуви оғирлик даражалари ва ёндош касалликлар мавжудлиги кесимида ўрганилган. Олинган натижалар даво жараёнида қўлланган дори воситалари ва улар гуруҳларини улушлари бемор жинси, касаллик кечуви оғирлик даражалари ва ёндош касалликлар мавжудлиги билан муаъян боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.*
Калит сўзлар: *COVID 19, дори воситалари, частотали анализ, сотув номи, касаллик кечуви даражалари, ёндош касалликлар.*

Резюме. *В статье представлены материалы по изучению частоты использования лекарственных средств и их групп использованного в рамках медикаментозного лечения больных с инфекцией COVID 19, получавщих лечения в стационарных условиях. Частотный анализ лекарственных средств и их групп проведен с учетом пола больных, тяжести течения болезни, а также в зависимости от наличия сопутствующей патологии. Полученные результаты свидетельствуют о том, что удельное соотношение использованных лекарственных средств и их групп находится в определенной зависимости от пола больных, тяжести течения болезни и от наличия сопутствующих заболеваний.*
Ключевые слова: *COVID 19, лекарственные средства, частотный анализ, торговое название, степень тяжести течения болезни, сопутствующие патологии*

Abstract. *The article presents materials on the study of the frequency of use of drugs and their groups used in the framework of drug treatment of patients with COVID 19 infection receiving treatment in hospital settings. The frequency analysis of drugs and their groups was carried out taking into account the gender of patients, the severity of the disease, and the presence of concomitant pathology. The results obtained indicate that the specific ratio of the drugs and their groups used is to a certain extent dependent on the gender of the patients, the severity of the disease and the presence of concomitant diseases.*
Key words: *COVID 19, drugs, frequency analysis, trade name, disease severity, comorbidities.*

Annotatsiya Maqolada shifoxona sharoitida davolanayotgan COVID-19 infeksiyasi bilan kasallangan bemorlarni dori-darmon bilan davolash doirasida qo‘llaniladigan dori vositalari va ularning guruhlarini qo‘llash chastotasini o‘rganish bo‘yicha materiallar keltirilgan. Dori vositalari va ularning guruhlari chastotasini tahlil qilish bemorlarning jinsini, kasallikning og'irligini va birga keladigan patologiyaning mavjudligini hisobga olgan holda amalga oshirildi. Olingan natijalar shuni ko'rsatadiki, qo'llaniladigan dori vositalari va ularning guruhlarining o'ziga xos nisbati ma'lum darajada bemorlarning jinsiga, kasallikning og'irligiga va birga keladigan kasalliklarning mavjudligiga bog'liq. Kalit so'zlar: COVID 19, dorilar, chastota tahlili, savdo nomi, kasallikning og'irligi, qo'shma kasalliklar

Ҳозирги вақтда дори воситаларидан оқилона ва хавфсиз фойдаланиш муаммоси глобал аҳамиятга эга ва кўплаб мамлакатларда миллий хавфсизлик соҳасига тегишли деб эътироф этилмоқда [1,2]. Бу дори воситаларини истеъмоли билан боғлиқ ўлим ҳолатлари ва унинг даражаси, ҳамда ножуя таъсиротларнинг кўпайиши билан боғлиқдир [3,4,5]. Шунингдек, дори воситалари инсон ўлимига сабаблар ичида биринчи ўнталикда ўрин олган [6].

Охирги йилларда COVID 19 инфекциясини келиб чиқиши ва унинг тез ва кенг тарқалиб пандемия даражасига етиши, ҳамда оғир асоратлар ва ўлим даражасини юқори эканлиги тезкор ва интенсив, организм турли тизимларига таъсир этувчи дори воситаларини қўллаш салмоғини оширди [7,8,9,10,11]. COVID 19 инфекциясида даво учун қўлланган дори воситалари касаллик кечуви, асоратлар келиб чиқиши ва ўлим ҳолатлари бўйича самарадолиги кесимида ўтказилган таҳлиллар [10,11], ушбу хасталик давоси учун самарали ва ҳавфсиз бўлган дори воситалари танлови бўйича чуқур илмий-амалий тадқиқотлар ўтказилиши зарурияти

мавжудлигини кўрсатди [10,11].

Маълумки, ушбу хасталикда самарали ва табақалаштирилган медикаментоз даво схемаларини шакллантириш, ҳамда янги дори воситаларини излаш ва яратиш учун амалиётда қўлланган дори воситалари улар гуруҳларини фармакоэпидемиологик таҳлилини ўтказиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган дори воситалари ва улар гуруҳларини бемор гендер хусусиятлари, касаллик кечуви оғирлик даражалари, ҳамда ёндош касалликлар кесимида частотали тахлилини ўтказиш **изланиш мақсадини** ташкил этди.

Изланиш материаллари ва усуллари.

Тадқиқотлар COVID 19 инфекциясига чалинган ва стационар шароитида даво олган 2002 та беморларнинг тиббий ҳужжатларини ўрганиш асосида ўтказилди. 2002 беморнинг 945 таси аёллар ва 1057 таси эркакларни ташкил этди. Касаллик 127 та беморда енгил, 466 та беморда ўртача оғир ва 1407 та беморда оғир шаклларда кечган. Шунингдек 479 та беморда ёндош касалликлар мавжудлиги аниқланган бўлса, 1524 та беморда ёндош касалликлар аниқланмаган.


Тадқиқотларда фармакоэпидемиологиянинг частотали анализ усули қўлланилган. Дори воситалари (ДВ) сотув номлари бўйича сони ҳисобланиб, улар кирадиган фармакологик гуруҳлар аниқланган.

Олинган маълумотлар умумқабул қилинган статистика усуллари орқали ҳисоб китоб қилинган.

Олинган натижалар.

COVID 19 инфекциясига чалинган 2002 та беморнинг тиббий ҳужжатларининг таҳлили беморларда 136 та савдо номига эга 14 та фармакологик гуруҳга таълуқли дори воситалари қўлланганлигини кўрсатди. Ушбу дори воситалари гуруҳларини сони 1- расмда келтирилган.


1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, беморларда энг кўп қўлланган дори воситаси (ДВ) антибиотклар бўлиб, барча қўлланган дори воситалари гуруҳиларининг 36,8% ни ташкил этади. Вирусга қарши ДВ эса антибитиклардан қарийб 3 баробарга камроқ бўлиб, улар улуши 12,5% га тенг бўлган. Яллиғланишга қарши ностероид препаратлар (ЯҚНСП) эса ушбу ДВ гуруҳлари ичида 8,8% ни ташкил этган. Антикаогулянт ва антиагрегант ДВ мос равишда 7,3% ва 5,9% улушга эга бўлган. Яллиғланишга қарши стероид препаратлар (ЯҚСП), яъни глюкокортикостероидлар (ГКС) улуши юқорида келтирилган ДВ гуруҳининг 4,4% га тенг бўлган. Муколитик ДВ улуши антиагрегант ДВ дан камроқ, ГКСдан кўпроқ бўлса, аллергияга қарши қўлланиладиган ДВ эса ГКС лар улушига тенг бўлган. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган 14 та ДВ гуруҳининг қолганлари улуши 3% ва ундан ҳам камроқ бўлган (1-расм).



1-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган дори воситалари гуруҳлари.


Демак, COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда медикаментоз даво таркибида касаллик келтириб чиқарган омилга, яъни этиологик факторга, ҳамда касалликнинг патогенетик бўғинларига таъсир этувчи ДВ гуруҳлари энг кўп учраган. Қуйида COVID 19 инфекцияси медикаментоз давосида этиопатогенетик ва симтоматик даво кесимида қўлланган ДВ гуруҳлари улушлари келтирилган.

2-расмдан кўриниб турибдики, COVID 19 инфекциясига чалинган беморлар медикаментоз давосининг 4/3 қисми этиопатогентик даво учун қўлланиладиган дори воситалари гуруҳларидан иборат бўлиб, этиологик даво учун (антибиотик ва вирусга қарши ДВ) қарийб 50% га яқин дори воситалар қўлланган бўлиб қолганлари эса патогенетикк даво учун қўлланган 4 та фармакологик гуруҳни (25,0%) ташкил этган. Симтоматик даво учун барча қўлланган дори воситаларининг 8 та гуруҳи ишлатилган бўлиб, у медикаментоз давонинг 4/1 улушини ташкил этган (2-расм). Демак, биз ўрганаётган беморлар медикаментоз давосининг 50% этиологик, 25% эса патогенетик ва қолган яна 25% симтоматик даво учун қўлланган ДВ гуруҳларни ташкил этган.




2-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган этиотроп, патогенетик ва симптоматик ДВ гуруҳлари улуши.

Маълумки, COVID 19 инфекцияси кечув хусусиятлари, оғирлик даражаси ва асоратлар келиб чиқиши эҳтимоллиги муаъян даражада бемор жинсига ҳам боғликдир. Ушбу хасталикнинг клиник кечув хусусиятларидаги гендер тафовут медикаментоз даво тактикаси ва унинг самарадорлиги кўрсатгичларида ҳам ўз аксини топиши мумкин. Ушбу фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда биз ушбу касалликда қўлланган ДВ ва улар гуруҳларини бемор жинси кесимида ҳам ўргандик. Изланиш натижалари 3-расмда ўз аксини топган.



3-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган дори воситалари гуруҳларини улар жинси кесимидаги таҳлили.
Изоҳ: __-аёллар; ---- - эркаклар.

Олинган натижалар COVID 19 инфекциясига чалинган аёл беморларда 14 фармакологик гуруҳларда оид 130 та сотув номига эга ДВ қўлланган бўлса, эркак бем орларда эса 13 та фармакологик гуруҳга оид 117 та сотув номига эга ДВ қўлланилган. 3-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бемор жинсига мос равишда фармакологик гуруҳларга кирувчи ДВ улушида ҳам муаъян фарқлар кузатилган. Эркак беморларда аёлларга нисбатан антибиотиклар улуши 10%, вирусга қарши ДВ- 12%, ЯҚНСП – 25%, а/агрегантлар – 12,5%, муколитиклар - 43% га қамроқ бўлган бўлса, аксинча дируретиклар улуши – 25%, гипотензив ДВ – 3 маротабага, инсулин препаратлари -25% га кўпроқ бўлган. Шунингдек, ГКС, а/каогулянтлар, замбруғга қарши ДВ ва ППИ эса бир улушлашда қўлланган (3-расм). Демак, биз ўрганаётган беморларда қўлланаётган ДВ ва улар фармакологик гуруҳлари бўйича муаъян гендер тавфовутлари ҳам мавжуд экан. Ушбу фарқлар негизида аёл ва эркак беморларда COVID 19 инфекцияси клиник кечуви хусусиятлари, оғирлик даражалари ёки ёндош касалликлар бўйича тафовутлар мавжудлиги ётиши мумкин.



4-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган этиотроп, патогенетик ва симтоматик ДВ гуруҳларини бемор жинси кесимидаги улушлари.


4-расмдаги маълумотлар аёл ва эркак жинсига мансуб беморларда этиопатогенетик ва симптоматик ДВ улушлари орасида деярли фарқ йўқлигидан далолат беради. Бироқ, ушбу ДВ ларини фармакологик гуруҳлар бўйича таққослаганда ЯҚНСП ва антиагрегантлар улушлари эркакларда аёл беморларга нисбатан мос равишда 16,7% ва 3,0% га камроқ эканлиги ва, аксинча, ГКС ва антиагрегантлар улушлари эса мос равишда 10,9% ва11,2% га кўпроқ эканлиги маълум бўлади. Шунингдек, антибиотик ва вирусга қарши препаратлар улушлари бўйича аёл ва эркак беморлар орасида деярли фарқ йўқ эканлиги кўзга ташланади. Шу билан бир қаторда аёл ва эркак беморларда касаллик давосида (ДВ ларини сотув номи бўйича миқдори ҳисобида) қўлланган этиотроп, патогенетик ва симтоматик турдаги ДВ воситалари улушлари таққосланганда ҳам катта фарқлар аниқланмади. Бунда юқорида келтирилган даво мақсадлари бўйича аёл ва эркакларда мос равишда этиотроп, патогенетик ва симптоматик ДВ улушлари қуйидагича тақсимланди: 52,54%:51,45%, 26,92%:26,49% ва 21,54%:22,22%. Демак, этиотроп, патогенетик ва симтоматик даво мақсадлари бўйича қўлланган ДВ ва улар гуруҳлари улушлари орасида жинсий тавофут аниқланмади. Фақат алоҳида фармакологик гуруҳларни улушлари орасидагина муаъян фарқлар мавжудлиги кўринди.

Маълумки, COVID 19 инфекциясини якуни, яъни буткул тузалиши, асоратлашуви, ҳаттоки ўлим якунланиши касаллик кечувини оғирлик даражасига бевосита боғлиқдир. Табиий, медикаментоз даво учун қўлланиладиган дори воситалари фармакологик гуруҳ турлари, сони ва қўлланиш интенсивлиги, айнан касаллик кечуви оғирлик даражаси билан аниқланади. Шу туфайли биз ўз тадқиқотларимизда COVID 19 инфекцияси медикаментоз давосида қўлланган ДВ ва улар гуруҳларини касаллик кечуви оғирлик даражалари кесимида ҳам таҳлил қилдик.

Таҳлил ўтказаётган беморларимизнинг 6,3% да касаллик енгил даражада, 23,3% да ўртача оғир ва 70,3% да эса оғир даражада кечган. Касаллик енгил даражада кечган беморларда 12 та фармакологик гуруҳга оид сотув номи билан 49 та ДВ, ўртача оғир даражада кечган беморларда13 та фармакологик гуруҳга оид сотув номи билан 71та ДВ, ҳамда касаллик оғир даражада кечган беморларда 14 та фармакологик гуруҳга оид сотув номи билан 130 та ДВ ишлатилган. Демак, касаллик кечуви оғирлик даражасига мос равишда дори воситалари гуруҳлари ва намоёндаларининг сони ҳам ўзгарган. Касаллик қанчалик оғир даражада кечса, шунча дори воситалари гуруҳи ва турлари ҳам кўпроқ қўлланган.

Ушбу тадқиқот йўналишида олинган маълумотлар 5-расмда ўз аксини топган.

Келтирилган маълумотлар COVID 19 инфекциясининг оғирлик даражасига мос равишда медикаментоз даво кесимида қўлланган дори воситалари гуруҳлари улушлари турлича бўлишини кўрсатади. Касаллик давосида энг кўп қўлланилган антибиотиклар улуши COVID 19 инфекциясининг енгил кечувида ўртача ва оғир кечувига нисбатан мос равишда 1,3 ва 3,1 маротабага камроқ бўлган. Айнан шундай ҳолат вирусга қарши препаратлар, ЯҚНСП, ГКС ва бошқа гуруҳ препаратларига ҳам хос бўлган. Шунингдек касалликни енгил кечув шаклида, унинг оғирроқ шаклларидан фарқли равишда инсулин препаратлари бутунлай қўлланмаган. Гепатопротекторлар эса фақат касалликнинг оғир кечуви ҳолатларида ишлатилган.





5-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган ДВ гуруҳларини касаллик оғирлик даражалари кесимидаги улушлари.


Демак, COVID 19 инфекцияси медикаментоз давосида қўлланиладиган ДВ гуруҳлари ва сотув номидаги ДВ сони касаллик клиник кечуви оғирлик даражалари билан тўғридан-тўғри боғлиқ экан. Касаллик кечуви оғирлик даражаси қанча юқори бўлса, қўлланган ДВ гуруҳ ва турлари, ҳажми ҳам шунча кўп бўлиши кузатилади.

COVID 19 инфекцияси медикаментоз давосида қўлланган ДВ даво мақсадлари бўйича нисбатини касаллик оғирлик даражалари бўйича ҳам аниқлаш амалий аҳамиятга эга. Шу муносабат билан биз COVID 19 инфекцияси медикаментоз давосида қўлланган ДВ касаллик оғирлик даражаларида этиопатогенетик ва симптоматик даво мақсадлари бўйича ҳам таҳлил қилдик.

Ўтказилган таҳлил этиопатогенетик даво мақсадида қўлланган ДВ ва уларнинг гуруҳлари касалликни енгил даражасида энг юқори улушларда кузатиган. Касалликнинг ўрта оғир даражасида енгил даражага нисбатан ушбу мақсадда қўлланган ДВ улуши 7,0% га кам бўлса, оғир даражада кечувга эга гуруҳда эса 3,5% га кам бўлган. Симптоматик мақсадда қўлланган ДВ улуши эса, аксинча, мос равишда 31,1% ва 13,1% га кўпроқ бўлган. Демак, медикаментоз даво кесимида қўлланган ДВ ва уларнинг гуруҳлари даво мақсадидан келиб чиққан ҳолда касаллик кечуви оғирлик даражалари турлича улушларда учраши ўз аксини топган.







6-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган этиотроп, патогенетик ва симптоматик ДВ гуруҳларини касаллик оғирлик даражалари кесимидаги улушлари.

Биз учун COVID 19 инфекциясининг медикаментоз давоси учун қўлланган ДВ ва улар гуруҳларини касаллик оғирлик даражаларида этиологик, патогенетик даво кеимида ишлатилган ДВ улуши бўйича тақсимланганлигини ўрганиш муаъян аҳамият касб этди.


6-расмда келтирилган маълумотлар антибиотиклар улуши касалликнинг оғир даражасида энг юқори бўлиб, касалликнинг енгил ва ўртача оғирлик кечувларида мос равишда 13,5% ва 18,8% камроқ бўлган. Шундай қонуният антикаогулянтлар улушида ҳам кузатилган. Вирусга қарши препаратлар улуши эса касалликнинг енгил кечувида унинг ўртача оғир ва оғир даражаларида мос равишда 22,1% ва 19,6% га кам бўлган. Айнан шундай ҳолат ЯҚНСП улушида ҳам кузатилган. Демак, касаллик кечуви оғирлик даражаларида этиопатогенетик ва симптоматик даво улушлари деярли бир хил эканлиги билан бир қаторда улар таркибига кирувчи фармакологик гуруҳлар улуши нисбатларида муаъян тафовутлар борлигини кўрсатди.

Маълумки, COVID 19 инфекцияси ёндош касалликлари мавжуд беморларда оғир кечув хусусиятларига эга бўлиб, асоратлар келиб чиқиши, ҳаттоки ўлим ҳавфи юқорилиги билан ҳам характерлидир. Шу билан бир қаторда ёндош касалликлар асосий касаллик давосида қўлланиладиган препаратлар самарадолигига ҳам таъсир кўрсатади, маълум дори воситалар қўланилиши учун моънекликка ҳам сабаб бўлиши, ҳамда ушбду ёндош касалликларни даволаш учун қўшимча препаратлар қўлланишини ҳам таъқазо қилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз ушбу тадқиқотда ДВ фармакоэпидемиологик таҳлилини COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган беморларда ёндош касалликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб ҳам ўргандик.


Таҳлил беморларнинг 76,1% да, яъни 4/3 қисмида ёндош касалликликлар мавжуд эмаслиги ва қолган 24,9% да (4/1 қисмида) ёндош касалликлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан ёндош касалликлари мавжуд бўлган беморларда қўлланган ДВнинг сотув номи бўйича сони 19,4% га зиёдроқ бўлган. Фармакологик гуруҳлар сони ҳам 1 гуруҳга кўпроқ бўлган. Демак, ёндош касалликлари мавжуд беморларда ёндош касалликлар мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан кўпроқ ДВ ва уларнинг гуруҳлари ишлатилган. Қуйида COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган беморларда ёндош касалликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб қўлланган ДВ гуруҳлари улушлари келтирилган (7-расм).

Расмдаги маълумотлар ёндош касалликлари мавжуд беморларда антибиотиклар, ГКС, антиагрегантлар ва аллергияга қарши ДВ улушлари мос равишда 10,0%, 50,0%, 75,0% ва 66,7%га кўпроқ бўлганлигидан далолат беради. Қолган фармакологик гуруҳ препаратлари деярли бир хил улушларда учраганлиги намоён бўлади (7-расм). Дарҳақиқат, COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда ёндош касалликларни мавжудлиги кўпроқ ДВ ва уларнинг гуруҳларини қўллашни тақазо этган.

Шу билан бир қаторда ёндош касалликнинг мавжудлиги COVID 19 инфекцияси медикаментоз давоси таркибида, 8-расмдаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, симптоматик даво улушини 11,5% га ортишига ҳам сабаб бўлган, ҳамда умумий медикаментоз даво таркибида, мос равишда этиопатогенетик даво ҳажмини ҳам камайишига олиб келган.



7-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган ДВ гуруҳларини ёндош касаклликлар мавжудлиги кесимидаги улушлари.



8-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган этиотроп, патогенетик ва симптоматик ДВ гуруҳларини ёндош касалликлар мавжудлиги кесимидаги улушлари.

Ёндош касалликлари мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморларда этиопатогенетик даво мақсадида қўлланган препаратлар қиёсий таҳлили (8-расм) ёндош касалликлари мавжуд беморларда антибиотиклар, вирусга қарши ДВ, ЯҚНСП ва антикаогулянтлар улушлари ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан мос равишда 8,1%, 16,3%, 7,0% ва 7,0% кам эканлигини кўрсатди. Шу билан бир қаторда, ушбу гуруҳ беморларда ГКС ва антиагрегантлар улушлари, аксинча, мос равишда 67,7% ва 46,6% га кўпроқ бўлганлигидан далолат беради. Демак, COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган беморларда ёндош касалликлари мавжудлиги ҳам қўлланаётган ДВ ва улар гуруҳлари сони ва ҳажмига ўз таъсирини ўтказар экан. Бунда ёндош касалликларни мавжудлиги этиопатогенетик ва симптоматмк даво нисбатига таъсир этиб, симптоматик даво ҳажмини оширар экан. Шунингдек, этиопатогенетик даво ҳажмига кирадиган ДВ гуруҳларида ҳам муаъян тафовутларга олиб келар экан.

Хулоса.

Шундай қилиб, COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган беморларда қўлланган ДВ ва улар гуруҳларини частотали таҳлили ва ушбу таҳлил натижаларига бемор жинси, касаллик кечуви оғирлик даражалари ва беморда ёндош касалликлар мавжудлиги омилларини таъсирларини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар келтирилган омиллар қўлланилаётган дори воситалари миқдори (сотув номи бўйича сони), фармакологик гуруҳлар, ҳамда этиологик, патогенетик ва симптоматик даво нисбатларига муаъян тарзда таъсир этиши аниқланди. Бунда бемор жинси омили даво учун қўлланаётган ДВ ва улар гуруҳлари улушларини этиопатогенетик ва симптоматик даво нисбатларига таъсир этмаган ҳолда фарқланишига олиб келар экан. Касалликни оғирлик даражалари омили эса даво учун қўлланаётган ДВ ва улар гуруҳлари улушларини ҳамда этиопатогенетик ва симптоматик даво нисбатларини ўзгартириши , ҳамда фарқланишига олиб келади. Ёндош касалликлар омили ҳам COVID 19 инфекцияси медикаментоз давосида айнан шундай тафовутларни келтириб чиқариши мумкин аниқланди. Бироқ, ушбу фикрни узил кесил асослаш учун ушбу хасталикда қўлланган ДВ сотув номи бўйича сони етарли эмас, ҳар бир сотув номига эга ДВ (таблетка, ампула, флакон ва бошқа дори шаклларида) ишлатилган жами сони кесимида ҳам атрофлича таҳлил ўтказиш зарурияти мавжуддир. Шунинг учун зикр этилган йўналишда ҳам мақсадли тадқиқотлар ўтказилиши лозим.

Использованная литература:

1. Зурдинов А.З. Место и значение преподавания клинической фармакологии в реализации концепции рационального использования лекарственных средств // Клиническая фармакология и терапия 2009, №6 (дополнительный), С. 14.;

2. Мавлянов И.Р., Якубов А.К., Косимов А.Ш. Фармакоэпидемиология ва унинг амалиётдаги роли. Тиббиёт ва спорт,2018,№2,С 31-36;

3. Горбачева Е.В. К вопросу безопасности фармакотерапии в педиатрической практике// Клиническая фармакология и терапия 2009, №6 (дополнительный), С. 45;

4. Мавлянов И.Р., Касымов А.Ш., Садыков А.А., Мавлянов З.И. Аллергия лекарственной этиологии: распространенность, патогенез, клинические формы проявления. Ташкент, 2011.80с;

5. Сулейманов С.Ш., Абросимова Н.В., Кирпичникова Н.В., Горбач А.А. Проблема безопасности фармакотерапии в рамках ответственного самолечения в дальневосточном регионе // Клин. фармакология и

терапия, 2009, №6 (дополнительный), С.14;

6. Лепахин В.К., Ушкалова Е.А., Астахова А.В. Роль клинического фармаколога в повышении безопасности лекарственной терапии// Безопасность лекарств и фармаканадзор, 2008, 1, С.4-11;

7. Sharma A, Ahmad Farouk I, Lal SK. COVID-19: A Review on the Novel Coronavirus Disease Evolution, Transmission, Detection, Control and Prevention. Viruses. 2021 Jan 29;13(2) [PMC free article] [PubMed];

8. Grint DJ, Wing K, Williamson E, McDonald HI, Bhaskaran K, Evans D, Evans SJ, Walker AJ, Hickman G, Nightingale E, Schultze A, Rentsch CT, Bates C, Cockburn J, Curtis HJ, Morton CE, Bacon S, Davy S, Wong AY, Mehrkar A, Tomlinson L, Douglas IJ, Mathur R, Blomquist P, MacKenna B, Ingelsby P, Croker R, Parry J, Hester F, Harper S, DeVito NJ, Hulme W, Tazare J, Goldacre B, Smeeth L, Eggo RM. Case fatality risk of the SARS-CoV-2 variant of concern B.1.1.7 in England, 16 November to 5 February. Euro Surveill. 2021 Mar;26(11) [PMC free article] [PubMed];

9. de Abajo FJ, Rodríguez-Martín S, Lerma V, Mejía-Abril G, Aguilar M, García-Luque A, Laredo L, Laosa O, Centeno-Soto GA, Ángeles Gálvez M, Puerro M, González-Rojano E, Pedraza L, de Pablo I, Abad-Santos F, Rodríguez-Mañas L, Gil M, Tobías A, Rodríguez-Miguel A, Rodríguez-Puyol D., MED-ACE2-COVID19 study group. Use of renin-angiotensin-aldosterone system inhibitors and risk of COVID-19 requiring admission to hospital: a case-population study. Lancet. 2020 May 30;395(10238):1705-1714. [PMC free article] [PubMed];

10. Аширметов А.Х., Мавлянов И.Р., Мавлянов З.И., Жарылкасынова Г.Ж. COVID-19: известные препараты, новые возможности Анализ риска здоровью. 2020. № 4, С.170-181;

11. Мавлянов И.Р., Аширметов А.Х., Мавлянов З.И. COVID-19:Предпосылки медикаментозного лечения (обзор литературы) Медицинский журнал Узбекистана, 2020, №3, С.85-91